

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 20 февраль, № 35 (4445)

Чоршанба

## ИШОНЧ ЁРЛИГИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 19 февраль куни Оксаройда Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси этиб тайинланган Зауритбек Турисбеков ишонч ёрлигини топширди.

Давлатимиз раҳбари элчи шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошланган миссиясида муваффақият тилади. Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини, мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги яхши бўлишига, ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома асосида ривожланмоқда. Президент Ислам Каримовнинг 2006 йил сентябрь ойида Қозоғистонга ташрифи чоғида Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш тўғрисидаги протокол имзоланди. Президентлар раҳбарлигидаги ушбу орган ўзаро ҳамкорликка оид барча масалаларни тезкор ҳал этишга хизмат қилади. 2006 йилнинг ноябрь ойида Қозоғистон Президентининг Тошкентга ташрифи асосида мазкур кенгашнинг илк мажлиси бўлиб ўтди. 2007 йилнинг июль ойида эса Қозоғистон Бош вазир Ибрагимовнинг Тошкентга ташрифи асосида мажлис бўлиб ўтди. 2007 йилнинг июль ойида эса Қозоғистон Бош вазир Ибрагимовнинг Тошкентга ташрифи асосида мажлис бўлиб ўтди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий шерикларидан

биридир. 2007 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Юртимизда қозоғистонлик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган 124 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Қозоғистонда ўзбекистонлик сармоядорлар билан барпо этилган қўшма корхоналар сони юзга яқин. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия мунтазам равишда йиллик мажлисларни ўтказиб келмоқда.

Гуманитар соҳадаги алоқаларнинг ҳам кўлами кенг. Жумладан, Ўзбекистонда қозок, Қозоғистонда ўзбек маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда. Театр жамоаларининг гастроллари, бахши-оқинларнинг айтишувлари, талабаларнинг адабий ва илмий танловлари, турли бошқа маданий тадбирлар ташкил этилмоқда.

3.Турисбеков самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганидан мамнун эканлигини, икки дўст мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида хизмат қилишни ўзи учун юксак шараф деб билишини ва бу йилда кун-гайратини аямаслигини таъкидлади.

(ЎзА).

Юртбошимизнинг 2007 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ўтган йили мамлакатимизда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 1,2 баробар ошган.

### Модернизация

Бундай натижага эришишда Президентимизнинг "2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий жиҳозлаш Дастури тўғрисида"ги Қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди. Мисол учун, ушбу Дастурга киритилган 66 та корхонанинг 34 тасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига қўйилган бўлса, 20 та корхонада дастағоҳлар билан жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

"Яккабоғтекс" Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида эса ўтган йили 5 млрд. 90 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 4 млн. 100 минг АҚШ доллар миқдоридан ортиқ маҳсулот экспорт қилинди. Корхонанинг иш режасида модернизациялаш, ишлаб чиқаришга энг янги технологияларни жалб этиш кўзда тутилган. Жумладан, жорий йилда корхона тўқув цехларида Италиянинг йиғирув дастағоҳлари ишлаб чиқарилади. Бу сериум дастағоҳларни моҳирлик билан бошқаришда пешқадам ишчи Шахло Исаева бошқаларга намуна бўлмоқда.

СУРАТДА: Ш. ИСАЕВА.

Ж. НОРҚОБИЛОВ олган сурат.

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ



## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

### АНДИЖОН

Вилоят фаоллари йиғилиши Президент Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга бағишланди.

Вилоят ҳокими А. Усмонов бошқарган йиғилишда янги ички маҳсулот ҳажми 10,9 фоизга ошгани таъкидланди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва маҳсулот экспорти соҳасидаги вазифалар ортиси билан бақарилди. Инфляцияга даражаси тасдиқланган кўрсаткичлардан паст — 4,9 фоизни ташкил этди.

Вилоят корхоналари Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, 2,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу режага нисбатан 105 фоиз демақдир. Бироқ айрим корхоналар режадаги ҳажми ва кўрсаткичларни бажара олмади. Саноат корхоналарини қайта жиҳозлаш ва уларнинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш мақсадида 35 миллион АҚШ долларига ҳақамлар хайъати сармоя жалб этилди. Бу 2006 йилги кўрсаткичдан 3,5 баробар кўпчилига қарамай,

"Полвонтош пойабзал", "Маданият текстиль", "Марҳамат" сингари йирик саноат корхоналари хорижий сармоядорларни жалб эта олмади.

Хисобот даврида вилоятда экспорт ҳажми 1,3 баробар ўсди. Бу борадаги белгиланган вазифалар 172 фоизга бақарилди. Чет эллик шериклар билан ҳамкорликда 16 қўшма корхона ташкил этилди. Бироқ вилоятда рўйхатга олинган 87 қўшма корхонанинг ўн биттаси умуман фаолият кўрсатма-япти.

Ўтган йили 310 минг тоннадан зиёд пахта, 535 минг тонна галла етиштирилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари-нинг мазкур икки муҳим турини сотиш бўйича топшириқлар муваффақиятли соҳарилганга қарамай, пиллачилик соҳасидаги шартнома мажбурияти 80 фоизга ўтказилди, ҳолос. 13 та қайта ишлаш корхонаси тула қувват билан иш-ламаяпти.

Вилоятда қорвончиликни ривожлантириш дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хўжалиқларда қорва моллари ҳамда паррандалар бош сони кўпайди. Тўш, суг ва туҳум етиштириш ҳажми ошди. Кам таъминланган оилаларга 4 минг 920 бош қорамол берилди.

Ижтимоий соҳа объектларини фойдаланишга топшириш ҳажми ошганига қарамай, баъзи кўрсаткичлар бўйича қолқолжиза йўл қўйилди. Қўрғонтепа, Жаллоқдўқ, Бўз ва Избоскан туманларида янги газ ва сув тармоқларини барпо этиш юзасидан белгиланган вазифалар бақарилмади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси

Бош вазир ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

С. ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.

### БУХОРО

2007 йилда Бухоро вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 9,3 фоизни, саноатда 7, қишлоқ хўжалигида 8,9 фоизни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш ва сервис ҳамда қурилиш соҳасидаги кўрсаткичлар янада салмоқли бўлди. Халқ хўжалиги турли соҳаларига киритилган хорижий инвестиция миқдори 309,5 миллион долларни ташкил этгани ҳам таъкидлаш жоиз.

Бироқ жойларда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмади, деб бўлмади. Масалан, Ғиждувон, Шофиркон, Пешку туманларида экспортбоп

маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир корхоналар барпо этишга етарлича эътибор берилмапти. Бу туманлар иқтисодиётига бултур хорижий инвестициялар умуман киритилмади.

2007 йилда вилоятни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни бақариш масаласига бағишлаб ўтказилган вилоят фаоллари йиғилишида ана шу муҳим масалаларга эътибор қаратилди. Йиғилишда вилоят ҳокими С. Хусенов маъруза қилди.

Фаоллар йиғилишида вилоят иқтисодий-иқтисодий ҳаётидаги ҳолат атрофича таҳлил қилиниб, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари барпо этиш, боқимандаликка барҳам бериш, саноатда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш йўллари белгиланганлиги таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шомисматов қатнашди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 2-бетда).

### Жараён

Кеча республика Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида "Коммунал хизмат кўрсатишнинг бугунги аҳоли ва мавжуд муаммолар" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Коммунал хизмат: ШАРТНОМАНИНГ ИЖРОСИ МУҲИМ

Унда "Ўзқоммунахизмат" агентлиги, республика Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Тошсаноққурават ИЧБ, "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзтрансгаз" компанияси, Тошкент шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси ҳамда бошқа мутасадди идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.


Таъкидландики, қўмита томонидан жорий йилнинг январь ойида танлов асосида республикамизнинг турли вилоятларидаги 10 га яқин хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти атрофича ўрганиб чиқилди. Таҳлил натижалари коммунал соҳасида, хусусан, иссиқлик манбаини ўтказиб бериш таъминотида узилишлар оқиб бўлаётганини, шартнома шартларига риоя этмаслик, қўрсатилмаган ёки сифатсиз хизмат учун ҳақ талаб қилиш, шунингдек, тарифий ҳисобни ошқинчи, уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан истеъмолчиларга қонкурсиз хизмат кўрсатиш, кўп қаватли уйлارнинг коммунал-муҳандислик таъминотларини ўз вақтида таъмирлашмаслик ҳолатлари мавжудлигини кўрсатди. 2007 йилда ортқича олинган 131,1 млн. сўм маблағ истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилиб берилгани ҳам бунга тасдиқлаб турди.

Семинарда, шунингдек, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, бу жараёнда рақобат муҳитини шакллантириш, хизмат кўрсатуви ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларни тақомиллаштириш, йўл қўйилаётган қорнбузарлик ҳолатлари ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланганлиги таъкидланди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сандолми ХАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



## ҚОНУНЛАР ТАКОМИЛЛАШУВИ — ДАВР ТАЛАБИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Кеча қўй палатанинг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида давлатимиз раҳбарининг 2007 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган берилган устувор мақсад ва вазифалардан келиб чиқадиган қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг асосий йўналишларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Таъкидландики, ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқлари барқарор ривожланди. Жумладан, саноат ишлаб чиқариши 12,1, пудрат қурилиш ишлари 15,7, пулли хизматлар кўрсатиш 20,6 фоизга ошди. Саноатнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 25 фоизни ташкил этди.

Юртбошимиз ўз маърузасида макроиктисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, инвестицияларни қўллайтириш ҳисобига таркибий ўзгаришларни қатъий давом эттириш ҳамда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш жўлий йилда бош вазифа бўлишини қайд этди. — деди тадбирда сўз олган депутат Н. Сиддиқов. — Шу боис кимё

ва энгил саноат, нефть-кимё, қурилиш материаллари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш каби саноатнинг етакчи соҳаларида, транспорт-коммуникация инфратузилмаси соҳасида қонунийликни чуқур таҳлил этиш, тегишли қонун ташаббуси билан чиқиб депутатларимиз олдидаги муҳим вазифалардан.

Бу борада қўмита аъзолари томонидан тайёрланаётган "Уй-жой-коммунал хизматлари тўғрисида"ги, "Савдо тўғрисида"ги, "Юқларнинг транзити тўғрисида"ги, "Саноат фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини якунига етказиш долзарблиги айтиб ўтилди. Шунингдек, йиғилишда "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги, "Электр энергетика тўғрисида"ги, "Нефть ва газ тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини қисқа муддат ичида ишлаб чиқиш белгиланиб, темир йўл транспорти, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгариш киритиш тавсия қилинди. Зотан, ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши халқ хўжалиги тараққиётига хизмат қилади.

Қобил ХИДИРОВ.

Якунланган йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар 23 фоизга ортди. Бошқача айтганда, инвестицияларнинг умумий ҳажми 4,3 миллиард доллардан зиёд маблағни ташкил этиб, унинг 70 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш объектлари қурилишига, жумладан, салкам 50 фоизи корхоналарни техник ва технологик модернизация қилишга йўналтирилди.

## МАМЛАКАТ бўйлаб

### ТУМАНЛАРНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Қорадарё узра эни 16, узунлиги 240 метр бўлган кўприк қурилиши бошлаб юборилди.

Балиқчи ва Олтинқул туманларини бир-бири билан боғлайдиган ушбу кўприк қуриб битказилган, ораликдаги масофа 50 километрга қисқарди. — Йўловчилар манзилини яқин қиладиган бундай кўприкни анчадан бунён орау қилар эдик, — дейди Балиқчи тумани «Нибээматчек» маҳалласида яшовчи Араббой ота Аскарлов. — Ниҳоят, ниҳоятимизга етди-диган бўлдик.

Айни кунларда 13-кўприк қуриш жамоаси мутахассислари темир-бетон устулар ўрна-тиш ишларига қирчишдилар.

Одилжон ШОДМОЛЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### ХАЛҚАРО МЕНДЕЛЕЕВ ОЛИМПИАДАСИ — ТОШКЕНТДА

Юртимизда амалга оширилаётган таълим ислохотлари хорижий мамлакатлар эътиборини ҳам қозонаётди. Хусусан, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори, академиги В. Садовничий Ўзбекистон таълим тизимидаги ишларни юқори баҳолаб, 42-халқаро Менделеев олимпиадасини Тошкент шаҳрида ўтказиш такли-фини киритди.

Шу муносабат билан Халқаро Менделеев олимпиада-си ташкилий қўмитаси ҳам-раиси, академик В. Лунин ҳамда ҳақамлар хайъати ра-иси, профессор В. Ненайден-ко мамлакатимизга ташриф

буюришди. Даставвал, меҳ-монлар олимпиада ўтказила-диган жой — М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат уни-верситетининг Тошкентдаги филиалида тайёргарлик ишла-рининг бориши билан таниш-

### Бинокорлар туҳфаси

Тахиятош шаҳрида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда бу ерда 32 ёш оилага мўлжалланган тўрт қаватли уй қурилиши ниҳояланди. «Гидроэнергоқурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг 120 нафар қўли гул қурувчилари тез суръатларда бунёд этган бино-да пардозлаш, пайвандлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бинокорлар Наврўз байрами арафасида иморатни фойдала-нишга топшириб, ёш оилаларга қўшалоқ қувонч туҳфа қилишни ниҳат эттишган.

Хидоят АҲМЕДОВ.

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Инвестиция жорий этилмоқда

Навоий вилоятда қурилиши тугалланмаган 18 та объект сар-моядорларга берилди. Шулардан бирини 2007 йилнинг қузида туркиялик тадбиркор олган эди. У бошлиқ «ADIL TEKSTIL FANAEB TIGARET A.S» фирмаси янги «Навоийтекс» биносини бунёд эт-моқда. Маҳмуа қурилиши учун мўлжалланган 2008 йилнинг бизнес-режасига кўра, 1 миллиард 313 миллион сўм маблағ ажратилди.

та замин яратаётганини ало-ҳида таъкидлади. Анҳуманда хорижий мута-хассислар юртимиз халқаро Менделеев олимпиадасини ўтказиш талабларига тула жа-воб беришига йўналиш айтиб, ушбу нуфузли олимпиадада ўзбекистонлик ўқувчиларнинг 1997 йилдан бунён фаол қат-нашиб келаётганини эътироф эттиди.

Олимпиада ташкилотчилари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Хўмдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



**ЖАҲОН**

24 соат ичида

**Кастронинг истеъфоси**

Куба раҳбари Фидель Кастро истеъфого чиқилиши маълум қилди.



Кеча бу ҳақда "AFP" агентлиги хабар тарқатди. Мамлакат раҳбарининг мурожаати "Гранма" газетасида чоп этилди. Унда Кастро президентликдан кетиши ва ҳарбий кўшин қўмондонди лавозимини банд қилиб турмаслигини билдирган.

Эслаб ўтамиз, Фидель Кастро 2006 йилнинг июлида соғлиги ёмонлашган, ўз ваколатини укаси Раулга вақтинчалик топширган.

**Аниқ тўхтама келолмаяпти**



Индонезия, Сербия тарафини ёқлаган бўлса, Бельгия, Хорватия, Германия, Италия, Франция, АҚШ ва Буюк Британия Косово мустақил давлат сифатида тан олинмиши лозимлигини билдиришган. Бу ҳақда БМТнинг расмий веб-сайти хабар берди.

БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун Косово мустақиллиги масаласи БМТ қотибияти орқали эмас, балки дунё ҳамjamiyати тан олиши натижасида ҳал этилиши мумкинлигини таъкидлади.

**Арманистонда президент сайлови**

Кеча Арманистонда мамлакат президентлигига сайлов бўлиб ўтди.

Сайловда жами 9 нафар номзод қатнашди. Ҳозиргача олинган маълумотларга кўра, уларнинг тўрт нафари етакчилик қилаётди. Булар бош вазир Серж Саркисян, биринчи президент Левон Тер-Петросян, Миллий Кенгаш экс-спикери Артур Багдасарян ва «Дашнакцўп» Арман инқилоб федерациясидан Ваан Ованнисянлардир.

Сайловнинг илк натижалари Арманистон Марказий сайлов комиссияси томонидан бугун эълон қилиниши кутилмоқда.

**Қийин аҳволга солиб қўйди**



Айни дамда ёғадган қорнинг қалинлиги 50 сантиметрга етган. "Deutschland Funk" нашрининг маълум қилишича, совуқдан сақланиш учун одамлар юзлаб дарахтларни кесиб ташлашмоқда.

Афина ва унинг атрофида машиналар қатнов тўхталган, ўқув юртли вақтинчалик ёпилган.

**Аср кашфиётлари**

АҚШнинг Миллий муҳандислик академияси XXI асрда кутилаётган муҳим кашфиётлар рўйхатини чоп этди.



Мазкур рўйхат фан, техника ва ахборот технологиялари мутахассислари томонидан тузилди. Кашфиётлар экологик мувозанат, соғлиқни сақлаш, хавф-хатарлар сонини қисқартириш ва ҳаёт даражасини яхшилаш каби муҳандислик ишларидан иборат бўлади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Каттакўргон Пилла» МЧЖ суд бошқарувчиси томонидан, Самарқанд вилояти ҳўжалик судининг 2007 йил 14 майдаги 14-07-09/3138-сонли ҳал қилув қарори, 2008 йил 9 январдаги 14-07-09/3138-сонли ажрими билан банкрот деб эътироф этилган ҳамда кредиторларининг 2007 йил 15 октябрдаги 2-сонли йиғилиш қарорига асосан, «Каттакўргон Пилла» ОАЖнинг мол-мулклари ягона мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 193 555 000 сўм.

Мулкий мажмуа қўйидаги манзилларда жойлашган:

- Каттакўргон шаҳар, «Қорадарё» кўчаси, 16-уй;
- Каттакўргон тумани, Пайшанба шаҳарчаси, Ермухаммедов кўчаси ва «Кадан» кўргони.

Аукцион савдоси 2008 йил 18 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мулкий мажмуа 18 март куни сотилмаган тақдирда, тақрорий аукцион савдоси 21 ва 26 март куни соат 11.00 да ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБ Самарқанд вилоят филиалининг ДАТ «Асака» банки Самарқанд вилояти филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлиниши шарт: МФО 00264, ИНН 200933850, х/р 20210000500571452071.

Манзил: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, «Бўстонсарой» кўчаси, 85-«А» уй. Телефонлар: 233-80-56, 233-80-11. www.rkmb.uz

**ТАЛАБАЛАР ВА ЕВРОПА УНИВЕРСИТЕТЛАРИДА ҚЎШИ ГРАНТЛАРИ СОЎИБАЛРИ ДИҚҚАТИГА!**

**«ТРАНСАЭРО» АВИАКОМПАНИЯСИ ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН ГЕРМАНИЯ ШАҲАРЛАРИГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ УЧУН АВИАЧИПТАЛАРНИ МИНИМАЛ ТАРИФДА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**БЕРЛИН 360 ЕВРО** ва ундан юқори  
**ФРАНКФУРТ 403 ЕВРО** ва ундан юқори

(бориш ва қайтиш) (бориш ва қайтиш)

Тарифлар ишғимлар ҳисобга олинмаган ҳолда кўрсатилган, жойлар чегараланган.

**ТРАНСАЭРО** АВИАКОМПАНИЯ

Телефонлар: Тошкентда: 233-27-45; Бухорода: 383-44-25.

Аккредитация сертификати № 210.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ**

божхона юк баённомаларининг электрон нусхаларини қабул қилиш ва қайта ишлаш интерактив тизимини яратиш учун **танлов эълон қилади.**

Танловда web-технологиялари ва маълумотлар базаси бошқарув тизимлари асосида дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлган компаниялар иштирок этиши мумкин.

Таклифларни тақдим этиш муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун давомида.

Маълумотлар ва техник талаблар бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳқўчаси, 3-уй. Телефонлар: 120-76-66, 120-76-00, кўшимча: 28-52, 28-60.

**«АГРЕГАТ ЗАВОДИ»**

**ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

тўрт қаторли, чигитни аниқ экадиган механик ва пневматик сеялкаларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

Сеялкалар конструкциясини тайёрлашда хорижий фирмаларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланилган. Мазкур сеялкалардан Ўзбекистон Республикасининг деҳқончилик қилинадиган барча ҳудудлари ва қўшни минтақаларда фойдаланиш мумкин.

**«PPAES-4-04»** русумли сеялка чигит экиш ва 50 см.дан 90 см.гача бўлган қатор ораларига ишлов бериш учун мўлжалланган. Мазкур сеялка 40-70 квт кучга эга бўлган тракторларга тиркалади.

**«PPAES-4»** русумли пневматик сеялка эса чигитни ерга қадаш, маккажўхори, оқ жўхори, каноп, ербегок, кунжут, помидор, қанд лавлаг'иси, озуқа лавлаг'иси ва кунгабоқар уруғларини 50 см.дан 90 см. гача бўлган қатор ораларига экиш ва шу экинларга ишлов бериш учун мўлжалланган. У 40-70 квт кучга эга бўлган тракторларга тиркалади.

Завод манзили: 100057, Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 117-уй. Телефонлар: (998-71) 148-02-40 (қабулхона), (998-71) 248-16-51 (таксимот бўлими). Факс: (998-71) 148-17-40 (қабулхона), (998-71) 248-02-40 (таксимот бўлими). E-mail: agregat\_zavodi@mail.ru

**Жисмоний, юридик ва қўшма корхоналар ҳисобчилари ҳамда иқтисодчилари диққатига!**

Жорий йилнинг 20 февралидан 23 февраль кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспомарказ» биноси залида Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси тарғиботига қаратилган **«Янги солиқ кодекси — иқтисодий тараққиёт омили»** номли кўргазмали семинар ташкил этилади.

Унда Солиқ кодексидаги янгилик ва қўшимчалар, юртимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, солиқ юкининг йилдан-йилга пасайиши, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ва чет эл инвестициялари учун қўлланилаётган имтиёзлар, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ҳўжалик юритувчи субъектларга доир Фармон ва қарорлари ҳақида кўргазмали стендлар, шунингдек, янги Солиқ кодексида амалиётга киритилган янги ҳисобот шакллари видеолавҳалар кўринишида намойиш этилади. Ушбу тадбирда иштирок этувчилар Давлат солиқ қўмитаси мутахассисларидан ўз саволларига жавоб олиш, муаммоли масалаларига ечим топиш имкониятига эга бўладилар.

Кўргазмали семинар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 га қадар ишлайди. Телефон: 144-44-52. Факс: 144-98-34.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ.**

**Drive your way**

**HYUNDAI** Official Partner www.hyundai-motor.com

Тел.: 250-11-11, 250-69-99, Факс: 250-55-99. Кафолат — 2 йил. Махсулот сертификатланган.

МАДАНИЯТ  
хабарлари

Япон фотосанъати  
намоёниши

Тошкент Фотосуратлар уйида замонавий япон фотосанъати бағишланган кўргазма очилди.

Фотокўргазма Япониянинг юртимиздаги элчихонаси ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган.

“Замонавий дунёга назар: 1970 йиллар ва буғунги япон фотосанъати” деб номланган кўргазмада кунчиқар юрт сураткашларининг 76 та асарини намоёниш этилмоқда.

Ушбу фотосуратларда Япониянинг техник тараққиёти, миллий анъаналари, мамлакатдаги янгиликлар, халқ турмуш тарзи акс этган.

Кўргазма 5 мартга қадар давом этади.

Омонулло ФАЙЗИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Кинотеатрга  
марҳамат!

Хонка тумани марказида янгидан бунёд этилган «Хонка» кинотеатри иш бошлади.

430 ўринли ушбу кинотеатрда ҳар кун янги кинофильмлар намоёниш этилмоқда. Шунингдек, танқили санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ҳам ўтказилаяпти.

— Қанийди, вилоятнинг ҳар бир туманида ана шундай кинотеатр ишлаб турса, — дейишмоқда хоразмликлар.

Оббек РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.


“Бухоро музей-қўриқхонаси дўстлари” нодавлат-нотижорат ташкилоти Қорақўл туманидаги Пойкент шаҳристон музейига сайёҳларни жалб этиш юзасидан лойиҳа тайёрлаб, уни муваффақиятли амалга оширганди. Ҳақиқатда бу ташкилот яна бир ташаббус билан чиқди. Пойкент музейи ёнида қулоччилик устaxonасини ташкил этиш фикрини ўртага ташлади. Шу мақсадда тайёрланган лойиҳа Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси танловида ғолиб чиқиб, грантта сазовор бўлди.

# ДУНЁГА ЮЗ ТУТГАН ШАҲАР

Гапни қадимий Бухоро шаҳридан чамаси 70-80 чакрим олисдаги Пойкент шаҳристонидан бошлаганимиз беҳиз эмас. Бу табаррук заминда хорижлик сайёҳлар эътиборини тортган қўна осори-атиқалар, ёдгорликлар, қадимолар кўп.

— Музейимизда 120 мингдан зиёд тарихий қимматга эга экспонат мавжуд, — дейди Бухоро давлат музей-қўриқхонаси директори ўринбосари Карим Рустамов. — Энг қадимий эрамиздан аввалги ўн иккинчи минг йилликка тааллуқлидир. Бундай экспонатларни кўриш, Бухоронинг бетакрор обидаларини томоша қилиш ун дунёнинг турли бурчақларидан сайёҳлар ташриф буормоқда. Биргина музей-қўриқхонамизнинг ўзига ҳар йили ўртача 415 минг нафар сайёҳ келапти. Биз сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш йўллариини излаяёмиз. Интернетда сайт очиб, VI — XI асрларда юксак тараққиётга эришган Пойкент, шунингдек, Шибиргон ота ёдгорлиги ҳақидаги маълумотларни киритдик. “Вилоятда туризмни ривож-

лантириш бўйича 2007 йилга мўлжалланган тадбирлар дастури”га мувофиқ, бутур Бухоро шаҳрида кенг қўламли ободончилик ишлари бажарилди. “Бухоро-турист” хиссадорлик жамияти Жануби-Шарқий Осиё давлатларидан келадиган зиёратчилар хоҳишига кўра, Бухорои шарифдаги муқаддас қадимолар бўйлаб ўтадиган йўналишда бешта дастур ишлаб чиқиб, чет эл сайёҳлик фирмаларига етказди. Жами-




ят Англия, Австрия, Германия, Греция, Россиядаги сайёҳлик фирмалари билан фойдали алоқалар ўрнатган. Унинг Бу-

хоро давлат музей-қўриқхонаси, шаҳар ҳокимлиги, ҳудудий сайёҳлик ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳар йили ўтказиб келаётган “Ипак ва зирворлар” халқаро фестивали ҳам сайёҳларнинг катта қизиқишига сабаб бўлаётган. Бухоро шаҳридаги “Эмир Травел” хусусий меҳмонхонаси, “Классик

### Сайёҳлик

тур”, “Караван травел” сайёҳлик фирмалари хорижда ўтказиб келган сайёҳлик ярмаркаларида фаол қатнашяптилар. “Экотранспур” фирмаси эса Варахша, Пойкент шаҳристонлари, “Жайрон”, “Вардонзе” қўриқхоналарига саёҳатлар уюштиришни йўлга қўймоқда.

Аниқ дастур асосида ишлаш самараси кўзга яққол ташланмоқда. Чунки, биргина 2007 йилда вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш йўлида меҳмонхоналар сони учтага кўпайиб, жами 46 тага етди. Улардаги ўринлар сони 1800 дан ошди. Бултур қарийб 100 минг нафар сайёҳ қабул қилинди. Шунинг 81 минг 400



нафари хорижий сайёҳлардир. Улар сони 2006 йилдаги нисбатан деярли 25 минг кишига кўпайди. Соҳада жами хизматлар ҳажми 4,4 миллиард сўми, экспорт хизмати ҳажми эса 2,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

... Бугун қўна Арк, Минорай Калон, Нодир девонбеги, Чорминор каби ўнлаб қадимий ва ҳилвакор обидаларга боқиб, ҳанармадлар расталарида садафдек теиб қўйилган санъаткорона буюмларни кўриб, хайратланаётган сайёҳларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Инглиз, француз тилларида бийрон сўзлаб, уларга

шаҳар тарихи, бой маданий меросимиз ҳақида ҳикоя қилиб бераётган таржимон йигит-қизларимизни айтмай-сизми!

— Мен ҳам шулар каби гўл-таржимон бўлмоқчиман, — дейди Бухоро туризм коллежи ўқувчиси Моҳигул Алимова. — Муқтақиллик тўғрисида дунёга юз тутган она юртимиз ҳақида хорижликлар кўпроқ билишларини истаймэн... Моҳигул кўнгилмиздаги гапни айтиди. Бу фикрга қўшимай бўладими?..

Истам ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Спорт • Sport • Спорт

### ЭРКИН КУРАШЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОНДА УЧИНЧИ

Ўзбекистонлик эркин курашчилар дунё миқёсидаги нуфузли мусобақаларда доимо совриндорлар сафидан жой олишган. Кунги кеча Владикавказда яқунланган жаҳон кубоги мусобақаларида ҳам полвонларимиз ўз анъаналарига содиқ қолишди.

Унда дунё рейтингига юқори кўрсаткичга эга бўлган Россия, Туркия, Ўзбекистон, АҚШ, Куба ва Украина терма жамоалари ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

Маъмуржон Рўзиев бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси “В” гуруҳида дастлабки беллашувда Туркия курашчиларини 7:0 ҳисобида доғда қолдиришди. Номдор полвонлардан ташкил топган Куба термаси билан кечган беллашув 3:3 натижа билан яқунланди.

Натижада ҳамюртларимиз учинчи ўрин учун кураш олиб борадиган бўлишди. Унда курашчиларимиз Украина термасини 4:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бронза медали соҳиб бўлишди. Кубок мусобақаларида Дилшод Мансуров, Аҳам Очиллов (55



кг.), Ихтиёр Наврўзов, Яис Тлеғенов (60 кг.), Аслан Хуталиев, Олег Газзаев (66 кг.), Заурбек Соҳиев, Абдул Аммаев (84 кг.), Қурбан Қурбанов, Олег Каллагов (96 кг.), Олимпиада чемпиони Артур Таймасов (120 кг.)лар юртимиз шафарқини ҳимоя қилди.

Финалда Куба терма жамоасини 5:2 ҳисобида енгган Россия эркин курашчилари биринчи ўринни эгаллади.

### «ПАХТАКОР» ЯНА ЗАФАР ҚУЧДИ



Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Пахтакор» ўзининг мавсумолди ўқув-йигини машғулотларини Туркияда олиб бормоқда.

Юртдошларимиз 17 февраль кунги Россиянинг “Кубань” жамоасига қарши ўртоқлик учрашувидан майдонга тушиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган эди. Равшан Ҳайдаров шогирдлари навбатдаги ўйинда Австриянинг “Аустрия” жамоасини — 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Тўпларни Фарход Тоҳиев (2 та), Рустам Аъзамов ва Нодир Қўзибоев (3 та) киритди.

“Пахтакор” кейинги учрашувини Россиянинг “Сатурн” жамоасига қарши ўтказди.

### ФЕДЕРАТЕР ВА ЭНЕН «ОСКАР» СОВРИНОРЛАРИ

Дунёнинг қучли теннисчилари — швейцариялик Роже Федерер ва бельгиялик Жюстин Энен машҳур спорт академияси “Лагуэри” томонидан 2007 йилнинг энг машҳур спортчилари деб топилганди.

Санкт-Петербург шаҳридаги Маринин театрида нуфузли муқофот совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди, деб хабар беради АФР.

Аҳамиятлиси, Федерер “Спорт оскари” дея эътироф этиладиган муқофотни кетма-кет тўртинчи бор қўлга киритган теннисчи сифатида тарихдан жой олди. У 2007 йилда ўтказилган “Улкан тож” туркумига кирувчи тўртта йирик турнирнинг ўтказида бош соврин соҳиб бўлди. Энен эса бундай муқофотга бирин-




чи бор эгаллик қилаяпти. Бельгиялик теннисчи ўтган мавсумда “Ролан Гарос”, US орен ва Аёллар теннис ассоциациясининг яқуний босқич мусобақасида шохсупадан жой олган эди.

### МЕЗБОН МАЪЛУМ

Бокс бўйича “Жаҳон кубоги — 2008” мусобақаларида Россиянинг Москва шаҳри мезбонлик қиладиган бўлди.

Бу ҳақда кунги кеча Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган Халқаро хаваскорлар боксчилар ассоциацияси (АИВА) юқорқўли йиғилишида эълон қилинди, дейилади ИТАР-ТАСС хабариди.

Эслатиб ўтамай, жаҳон кубоги мезбонлигига Россиядан ташқари, Жанубий Корея мамла-



кати ҳам давъогарлик қилганди. Мусобақани жорий йилнинг декабрь ойида ўтказиш режалаштирилган.

Шунингдек, Ижрокўли йиғилишида АИБАнинг минтақавий конфедерациялари президентларини сайлаб маросими ҳам бўлиб ўтди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

**GUNWOO**  
ШУЪБА КОРХОНАСИ

Сизга Жанубий Корея мутахассисларининг энг охири ишланган асосида яратилган **ПОЛИЭТИЛЕН КУВУРЛАРИ** тақлиф этади.

Диаметри **100 мм** дан **1200 мм** гача.  
Босимга чидамлилиги — **12,5 бар**.

**МДХ давлатларида намунаси йўқ!**

КУЙИДАГИ МАКСАДЛАРДА ИШЛАТИЛАДИ:  
суғориш, канализация, йўл қурилиши, қудуқлар, кўприк устуни, санаот, қишлоқ хўжалиги, гольф клуб.

- Босимга чидамли уч қатламли ичимлик суви таъминоти учун қувурлар (225-1200 мм.)
- Икки қатламли қувурлар (150-1200 мм.)
- Икки қатламли перфорацияланган қувурлар (150-1200 мм.)
- Бўртмали қувурлар (100-400 мм.)
- Бўртмали перфорацияланган қувурлар (100-400 мм.)
- Канализация учун қувурлар.

Нархлари нисбатан арзон, тўлов келишилган ҳолда амалга оширилади

Вилоятлардаги дилер ташкилотларни ҳамкорликка тақлиф этаёмиз.

ТЕЛ.: (998 98) 301-60-78, (370 71) 715-61-75.  
ФАКС: (370 71) 715-63-16.

Тошкент вилояти, Чирчиқ ш., «Қангли» к., 16-«А» уй.  
gunwoo@mail.ru

Махсулот сертифициланган.

### Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади: вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тўғрисида 2008 йил 9 февралдан 15 февралгача бўлган маълумот

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. “Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 22 январдаги 13, 3-сонли қарори.
2. “Молия бозорларида рейтинг агентликларини фаолиятига бўлган талаблар тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки бошқаруви, Давлат мўлки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғазлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2007 йил 17 декабрдаги 104, 297-В, 2007-13-сонли қарори.
3. “Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон

Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 2 январдаги 1/4-сонли қарори.

**2008 йил 13 февралда 1767-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 февралдан қўчга киради):**

4. “Мақтабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 2, 4-сонли қарори.
- 2008 йил 13 февралда 1768-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 февралдан қўчга киради).

**II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:**

1. Хайвонларнинг бактериял касалликларини даволаш ва олдини олишда бровацелин (эмлаш учун кукун) препаратини қўллаш бўйича қўлланма;
2. 5%ли синтомимин линиментини ветеринарияда қўллаш бўйича қўлланма;
3. Хайвон ва паррандалардаги юқумли тери касалликларини даволаш ва олдини олиш учун “ЯМ” фунгицид-акарицид мазики қўллаш бўйича қўлланма;
4. Хайвон ва паррандалардаги эндо ва

адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.

**Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, қўчга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қондалар бўлмаслиги лозим.**

### МТС АБОНЕНТЛАРИ УЧУН ЯНГИ БЕПУЛ ХИЗМАТЛАР

«Мобил ТелеСистемалар» очик акционерлик жамиятининг (NYSE: MBT) 100 фоизли шўба корхонаси — МТС-Ўзбекистон «Визитка» ва «Уз тариф режангизини билиб олинг» деб аталувчи янги бепул хизматларни ишга туширгангани маълум қилади.

«Визитка» бепул хизмати ёрдамида МТС абонентлари дўстлари ва яқинларига телефон номери ва исми-шарифи ёзилган ўз электрон визиткаларини теиб ўтирмадан, автоматик равишда юборишлари мумкин. Абонент МТС тармоғига уланган ёки рақами ўзгарган бўлса, бу жуда қўлай хизматдир.

Электрон визиткани жўнатиш учун \*105\*халқаро кўринишдаги телефон рақами\*га кўнгирак қилинса қифоя. Система автоматик равишда хабар жўнатаётган абонентнинг рўйхатга олинган маълумотларини аниқлаб, кўрсатилган рақамга абонентнинг исми-шарифи, телефон рақамини SMS хабари тарзида жўнатади. Масалан,

1030909 рақамли Тошкент шаҳар абонентига визиткангизни юбориш куйидагича: \*105\*998971030909#. Хабар олувчи эса қуйидагича SMS хабарини олади: \*Телефон:998XX XXX XX XX причнадлежит: Ф.И.О.». Агарда «Визитка» юридик шахога расмийлаштирилган рақамдан юборилса, рақам эгаси телефон рақами ва ташкилот номи ёзилган хабар олади.

Бундан ташқари, абонентлар учун яна бир қўшимча имконият бор: \*105# рақамига кўнгирак қилиб, сиз ўз телефонингиз бўйича рўйхатга олинган маълумотларини: халқаро кўринишда ўз телефон рақамингизни, исми-шарифингизни, жорий хизмат режангизини ва бу режа

ўрнатилган санани билишигиз мумкин.

«Уз тариф режангизини билиб олинг» бепул хизмати МТС абонентига оsonлик билан рақамига ўрнатилган хизмат режасини билиб олиш имкониятини беради. Энди компаниянинг маълумот хизмати қўнгирак қилиш ёки офисига мурожаат этиш шарт эмас.

Хизматдан фойдаланиш учун \*111\*100# рақамига кўнгирак қилсангиз етарли ва телефонингизга жорий хизмат режаси ва бу режа ўрнатилган сана ёзилган USSD хабари келади.

«Хизматлар»-RED» ва «TIME» абонентларидан ташқари барча хизмат режалари учун амал қилади.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:  
e-mail: pr@ mts.uz

**Российский  
Обои линолеум  
виниловые**

тел. 234-48-11  
факс 234-49-58

Форма оплаты — любая

Товар сертифицирован

**Халқ сўзи  
Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 43619 нуسخада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;  
Котибхона 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилган ҳамда операторлар Жамшед Тоғиев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳаа якуни — 21.40

Топширилди — 21.55 1 2 3 4 5 6 7

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.  
Навбатчи — Ю. Бурунов.  
Мусахҳас — Ш. Шаираббоев.